

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Бешарик тумани  
Ободонлаштириш бошкармаси  
(комиссия раиси)



Н. Насипов

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

**танлов хужжати**

Бешарик 2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: “Фаргона вилояти Бешарик тумани “Кум” МФЙ га 1 сув қудугини реконструкция килиш, 1 дона сув насоси урнатиш, 1 дона сув минораси урнатиш, ҳамда 3 км ичимлик сув тармоги тортиш” ишлари учун лойиха-смета хужжатлари (АРТ, АТТА лойиҳаси, топография ва геология ишлари харажатлари билан бирга) (қиймати КҚС билан).

1.2. Танловнинг юқори қиймати КҚС билан **26 700 023** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи ва ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошланади.

1.5. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдорида аванс тўловини ўтказиб беради.

1.6. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равища ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб ракамига маблағ ажратилганидан сўнг объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Фарғона вилояти Бешарик тумани Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Фарғона вилоят Бешарик тумани Бешарик шахри, Олтин водий кучаси, 164-үй. Эл.адрес: [beshariq.obodonlashtirish@mail.ru](mailto:beshariq.obodonlashtirish@mail.ru)

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги малакавий талаблар қуилади:

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Лицензия, гувохнома;

- Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (ташкилот ишчи-ходимлари);
- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсатгичлари, бухгалтерия баланс хужжатлари; салохияти (жумладан, тўловгага қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот;
- Танлов иштирокчисининг солиқ тўловларидан бўлган қарздорлик маълумоти;
- Танловдаги обьектга ўхшаш обьектларда охирги 2 йиллик иш тажрибаси;
- Оргтехника жихозлари ва дастурлар рўйхати;
- Кафолат хати (буортмачига ишларни таклиф қиймати, топшириш муддатини кўрсатиб тасдиқлаган ҳолда).

Низом маблағи микдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буортмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига қўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисмда, “Буортмачи” томонидан қўйилган техник талаблар асосида, бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби, якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир талаблар бўйича ўз таклифларини яхлит ҳолда PDF форматда, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда электрон равишда платформага жойлаштириши лозим.

4.3. Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталаида жойлаштирилиши лозим.

#### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Давлат харидлари тұғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланған тартибда жавобгар бўладилар
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланған тартибдағолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланған қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Фолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланған тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланған шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланған шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтишлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланған кундан эътиборан уч иш куни ичидан маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталған иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтишларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидан танлов иштирокчисига тегишли тушунтишларни тақдим этиши шарт.
- 7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

## Танлов иштирокчилариға күйиладиган талаблар

Банд	Мажбурийлиги	Бахо шкала
<b>Умумий маълумотлар ( мажбурий талаблар )</b>		
1.1. Шартнома тузиш учун хукукий асослар	Зарур	0-20
1.2. Ноҳалол ижрочилар Ягона реестрида мавжуд эмаслиги	Зарур	0-20
1.3. Банкротлик процедураларида мавжуд эмаслиги	Зарур	0-20
1.4. Солик ва бошқа мажбурий туловлар бўйича карздорликнинг йўклиги	Зарур	0-20
<b>Товарлар ва буюмлар</b>		
2.1. Бошлангич сумма		0-20
2.2. Таклиф этилаетган сумма		0-20
<b>Буюртмачи талаблари</b>		
Лицензия	Зарур	0-20
Мавжуд техника ва ускуналар рўйхати	Афзалрок	0-20
Ташкилотни охириги уч йил мобайнида бажарган ишлари хамда конкурс объектига ўхшаш обьектларда бажарган ишлари тўғрисида маълумот	Афзалрок	0-20
Шартномада курсатилган вазифаларни уз вактида ва сифатли килиб тайерлаб бериш кафолати	Афзалрок	0-20
Молиявий натижа 1,2-Шакллар	Афзалрок	0-20
Лойихачининг Қурилиш вазирлиги маҳсус электрон порталида рейтинги мавжудлиги	Афзалрок	0-20
Пудратчи ташкилот низоми. Рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохнома	Афзалрок	0-20
Инженер ва техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тўғрисида маълумот	Афзалрок	0-20



И. Насипов

### Техник топширик

#### Бешарик тумани Ободонлаштириш бошкармаси томонидан

№	Асосий маълумотлар	Иштирокчилар учун маълумотлар
1	Буюртмачи	Бешарик туман Ободонлаштириш бошкармаси
2	Танлов мазмунни еки номи	Фаргона вилояти Бешарик тумани "Кум" МФЙ га 1 дона сув кудуги реконструкция килиш, 1 дона сув насоси, 1 дона сув минораси, 1 дона ТП урнатиш хамда 7 км ичимлик сув тармоги тортиш ишлари учун Лойиха смета ва экспертиза хужжатлари
3	Танлов эълон килинадиган жой	УзРТСБ <a href="https://etender.uzex.uz">https://etender.uzex.uz</a>
4	Алоқа учун шахс	Бош бух. Б. Пирназаров +998939783474
5	Тижорий таклифларни тақдим этиш шартлари	Танлов иштироқчилари шартномани бажариш учун <ul style="list-style-type: none"> <li>- шартнома тузиш учун конуний хукукга эгалик;</li> <li>- ноҳалол ижроқилар Ягона реестрида мавжуд эмаслиги;</li> <li>- Банкротлик процедуралирида мавжуд эмаслиги;</li> <li>- Солик ва бошка мажбурий туловлар олдида карздор эмаслиги</li> <li>- зарур техниковий, молиявий, моддий, кадрлар хамда бошка ресурсларнинг мавжудлиги;</li> </ul>
6	Бажариладиган ишлар	АПЗ , Техник шарт, Гидрогиология хulosаси, техник урганиш хulosаси, гиологик тадқикот ишлари , Топография тушириш, АТТА лойихаси (ЗВОС) , электр таминоти лойиха смета хужжатларини ишлаб чикиш, Тик кудук ва сув таъминоти лойиха сметаларини ишлаб чикиш, «Шахарсозлик хужжатлари экспертизаси» ДУКдан утказишэкколгик экспертиза ишлари
7	Танловга таклифлар бериладиган тил	Узбек
8	Молиялаштириш манбаси	Но бюджет маблаглари хисобидан
9	Бош лойихачи	Танлов яқунида аникланади
10	Лойиха боскичи	Ишчи лойиха
11	Курилиш ашеларига талаблар	Янги ашелар ва ускуналарни куллаш
12	Лойиха нусхалари	2 та когозда ва 1та электрон вариантда